

МИРЗО ҒОЛИБ МАКТУБЛАРИДА ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Усмонова ЛОЛА

ТошДШИ 2-курс магистранти

Аннотация

Мазкур мақолада урду тилида замон категорияси пайт мазмунини ифода этувчи феъл шакллари, шунингдек, Мирзо Ғолибнинг хатлар тўпламидаги феъл шакллари таҳлил этилган.

Урду тилида замон категорияси пайт мазмунини ифода этувчи феъл шакллари мажмуидан иборат. Бу категориянинг грамматик маъноси шундан иборатки, бунда иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ пайтига муносабати англашилади. Шунингдек бу категория орқали икки ёки ундан ортиқ иш-ҳаракатнинг кетма-кет ёки бир вақтда амалга ошиши ҳам ифодаланади.

Урду тилида ҳам бошқа тиллардаги каби замон категориясига 3 вақт плани хос: ҳозирги, ўтган ва келаси замон вақт планидир.

Ҳозирги замон вақт плани нутқ пайти билан бир вақтда ёки мунтазам, доимо амалга ошадиган иш-ҳаракатни англатади.

Ўтган замон вақт плани нутқдан олдин рўй берган иш-ҳаракат ёки ҳолатга мувофиқ келади.

Келаси замон вақт плани эса нутқдан кейин рўй берадиган иш-ҳаракатни билдиради.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир замон планига бир қатор замон шакллари киради. Урду тили феъл тизимида бундай замон шакллари кўплигининг сабаби – улар иш-ҳаракатнинг амалга ошиш тарзи ва унинг тугалланган-тугалланмаганини, яъни тус маъносини ҳам беради. Шунинг учун ҳам урду тилида замон шакллари фақат замонгина эмас, балки замон-тус мазмунини беради. Улар икки вазифани бажаради - 1) замон функцияси - феъл англатган иш-ҳаракатнинг нутқ пайтига нисбатан муносабатини; 2) тус функцияси – феъл билдирган иш-ҳаракатнинг шу иш-ҳаракатнинг ички чегарасига муносабатини билдиради.

Мирзо Ғолибнинг хатларидаги феъл шаклларини таҳлил этишда Мирзо Асадуллохон Ғолибнинг “Ghalib ke khutut” хатлар

тўпламидан фойдаланилди¹. Бу тўпламдаги энг суюкли шогирди Мир Мехдий Мажруҳ номига битилган 45 та мактуби феъл шакллариинг финит шакллари бўйича таҳлилга тортилди.

Ҳиндий урду тилларида замон маъносига эга бўлган феъл шакллари фақат аниқлик майлига хос деган фикрни ҳиндшунос олим Г. А. Зограф билдирган². Аммо В. П. Липеровский ва З. М. Димшицнинг фикрига кўра замон категорияси бирон иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатдан аввал ёки у билан кетма-кетлигини англатади³. Ҳинд олими К.Гуру ёндашуви бутунлай бошқача бўлиб, у барча замон шакллариини оддий, тугалланган ва тугалланмаган шаклларга бўлиб чиқади. Оддий шаклларга масалан, оддий ҳозирги “kartaai hai”, ўтган тугалланган “kiyaa” ва келаси “karegaai” каби шакллар киритилади. Тугалланмаганларга давомий ва ўтган тугал замонлар киради. Тугалланганларга эса ҳозирги тугалланган ва ўтган тугалланган замонлар киради⁴.

В. П. Липеровскийнинг назариясига С. А. Черникова томонидан қилинган изланишлар таъсир ўтказган. Бу олим каби С. А. Черникова ҳам аниқлик майлида 11 замон шакли мавжуд, дейди⁵. Бунда у Баранников кўрсатган 8 шаклни асос қилиб олиб, уларга процессив замонларни қўшган.

Энди эса бевосита феъл шакллари таҳлилига ўтсам:

Маълумки, келаси замон нутқ пайтига нисбатан энди амалга ошадиган, яъни келажакда бўладиган иш-ҳаракатни билдиради:

1. Ab basharte haya:t jari:da bade barsa:t ja:u:Nga: aor bahot din tak yaaha:N na a:u:Nga:

Шу шарт биланки, агар ҳаёт бўлсам, барсат (ёмғир мавсуми)дан кейин бораман ва кейин анчагача бу ерларга келмайман.

Феълнинг бу шакли баъзан модал маънолардан бири – иккиланиш, тахмин маъносида ҳам қўлланилади:

Garmi: ka: maosam hai. Lamba: choRa: safar kyuN kareNge.

Ёз пайти бўлса, узундан-узоқ сафарга нега борай?

Шунингдек, ўтимли феъллар билан ўтимли ясовчи феълларнинг мураккаб интенсив феъл ҳосил қилганини кўриш мумкин:

¹ Ghalib ke khutut. Khaliq Anjum. Ghalib Institute. – Nai Dilli, 1993.

² Г. А. Зограф. Языки Южной Азии. – М., 1990. – С. 62.

³ В. П. Липеровский. Глагол в языке хинди. – М., 1984. – С. 45.

⁴ К. Guru. Hindi vyaakaran. – Kaashi, 1962. 99-b.

⁵ S. A. Chernikova. Urdu ke siighe. – Moscow : “Progress”, 1969. – P. 13.

A:j ka:g'az-o TikaT manga: lu:Nga.

Бугун қоғоз ва марка буюртираман.

Ҳозирги тугал замон ўтган замонда маълум бир вақтда амалга ошган, аммо натижаси ҳали ҳам (баъзан нутқ пайтида ҳам) сақланиб турган иш-ҳаракатни билдиради. Шунинг учун бу замон шакли аксари иш-ҳаракатнинг тугалланганлигига эмас, унинг натижасига кўпроқ урғу берилган ҳолларда ишлатилади.

а) Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда тугалланиб, нутқ пайтида унинг натижаси сақланиб турганлигини билдиради. Бундай иш-ҳаракатнинг қачон амалга ошгани аҳамиятсиздир:

1. MaiN ne pacha:s jildoN ki: darxa:st pehle se de rakhi: hai.

Мен олдиндан китобнинг 50 жилдини илтимос қилиб қўйдим.

б) Баъзи жумлаларда иш-ҳаракатнинг қачон бажарилганлиги эмас, унинг натижасига кўпроқ урғу берилади:

1. Mir Sarfaraz Huseyn a:ye haiN aor mere yaha:N nahi:N utre. La: havla vala: quvvata, utarna: keysa:, milne ko bhi: nahi:N a:ye.

Мир Сарфараз Ҳусайн келибди (шу ерда экан). Аммо меникига келмади. Ла ҳавла вала қуввата, келиш қаерда! Мен билан учрашмади ҳам.

Тугалланмаган ўтган замон ўтган замонга хос бирон шахс ёки предметнинг доимий белги-хусусиятини англатиб, ўтган замонда амалга ошган такрорий иш-ҳаракатни билдиради.

а) Бирон шахс ёки предметга хос бўлган белги-хусусиятни англатади:

1. Ba:dsha:h apne farzandoN ke bara:bar pya:r karte the.

Подшоҳ ўз фарзандларини бирдек яхши кўрар эди.

б) Ўтган замонда бўлиб ўтган давомли иш-ҳаракатни англатади:

1. Kal vo kehte the ke unti:s rupiye ko ti:n ga:riya:N muqarrar ho gai: hai.

Кеча у айтган эдики, 29 рупийга 3 та арава тайинлаган.

Оддий ҳозирги замон бирон предмет ёки шахсга хос белги-хусусиятни англатиб, мунтазам, доимий тарзда амалга ошадиган иш-ҳаракатни билдиради.

а) Бирон-бир иш-ҳаракатни яқин келажакда амалга ошишини билдиради:

1. Qara:rda:d ye hai ke Navab Sahib ju:la:I; 1809 se ke jis ko ye dasva:N mahi:na hai so rupiya mujhe ma:h baha:h bhejte haiN.

Шунга келишилган эдики, Навоб соҳиб 1859 йил июлдан, роппа роса 10 ой бўларкан, 100 рупиядан ойма-ой юбориб туришади.

б) Нутқ пайтига алоқадор бўлмаган бирон шахс ёки предметнинг доимий белгисини англатадиган иш-ҳаракатни билдиради:

1. Bha:i: so, do so mai kala:m nahi:N. Kala:m us mai hai ke nava:b sa:hib dosta:na o sha:girda:na dete haiN.

Оғайни гап 100, 200 рупияда эмас. Гап шундаки, навоб соҳиб дўстлар ва шогирдларга кўмак беради.

1. Afsos hai jin ko mai apna: samajhta: hu:N vo mujh ko bega:na ja:nte haiN.

Афсус, мен ўзимники деб ҳисоблайдиган киши, мени бегона деб билса.

в) Доимо, мунтазам амалга ошувчи такрорий иш-ҳаракатни англатади:

1. Kita:b mai se ye ka:g'az pha:R kar tum ko xat likhta: hu:N aor berang lifa:fe mai lapeT kar bhejta: hu:N.

Китобдан шу қоғозни йиртиб олиб, сенга хат ёзипман ва оқ конвертга солиб юборяпман.

г) Нутқ пайтига тўғри келадиган давомли иш-ҳаракатни англатади:

1. Lo sa:hib ye tama:sha: dekho mai to tum se pu:chhta: hu:N ke Mir Sarfaraz Huseyn aor Mir Nasiruddin kaha:N haiN ha:la:Nke Mir Nasiruddin shehr mai haiN aor mujh se nahi:N milte.

Қаранг Соҳиб бу томошани, мен сиздан Мир Сарфараз Ҳусайн ва Мир Насируддин қаерда деб сўрасам, Мир Насируддин шаҳарда экан, мен билан учрашмаяпти.

Узоқ ўтган замон узоқ ўтган замонда, муайян вақтга қадар ёки иккита кетма-кет иш-ҳаракатнинг биринчисида ишлатилади. Кесим билан эга ҳудди ҳозирги тугалланган замондагидек мослашади. Демак, феъл ўтимли бўлса, эга билан мослашмайди. У бош келишиқда келган тўлдирувчи билан мослашади.

а) Ўзидан кейин зудлик билан, кўққисдан амалга ошган иш-ҳаракатдан олдин рўй берган иш-ҳаракатни билдиради:

1. 60 sahife chha:pe gae the ke Mavlavi Hadi G'ali bi:ma:r ho gae. 60 саҳифаси чоп этилган эди, маолавий Ҳодий Ғали касал бўлиб қолди.

б) Вақти аниқ кўрсатилган ўтган замонда амалга ошган иш-ҳаракат:

1. Seshanba 8 novambar subah ka: vaqt hai jis ko ava:m baRi: fajar kehte haiN, parson tumha:ra: xat a:ya: tha:.

Сешанба 8-ноябр куни халқ тонг саҳар деб ҳисоблайдиган пайт сенинг хатинг келган эди.

в) Бирон-бир иш ҳаракатдан олдин амалга ошмаган, аммо нутқ жараёнигача тўлиқ амалга ошган иш ҳаракатни билдиради:

1. Ab asl haqı:qat suno. LaRkoN ko sa:th le gaya: tha:.

Энди асл ҳақиқатни эшит. Болаларни ўзим билан бирга олиб кетган эдим.

Ҳозирги замон давом феъли нутқ пайтида давом этаётган иш-ҳаракатни билдиради. Шу билан бирга бу шакл яқин ўртада содир бўладиган иш-ҳаракатни ёки олдин бошланиб, ҳозирга қадар давом этаётган иш-ҳаракатни ифода этиши мумкин.

Нутқ пайтига тўғри келадиган давомли иш-ҳаракатни билдиради:

1. Huqqa pi: raha: hu:N. Ye xat likh raha: hu:N tum se.

Чилим чекапман. Шу хатни сенга ёзаяпман.

2. Ha:kim akbar ki: a:mad a:mad sun rahe haiN.

Ҳоким Акбарнинг келишини эшитаяпмиз.

Ўтган тугал замон ўтган замонда бир марта амалга ошиб тугалланган иш-ҳаракатни билдиради. Бу иш-ҳаракат ўтган замонда бирон аниқ вақтда амалга ошган бўлиши мумкин.

а) Кетма-кет амалга ошган бир неча тугал иш-ҳаракатни англатади:

Ab jo mai vaha:N gaya: to so rupiya mahi:na bana:me da:vat aor diya:.

Энди мен у ерга борганимда бир ойга таклиф қилиб, яна 100 рупия берди.

б) Бир марта амалга ошган тугал иш-ҳаракатни англатади:

Us sabab se jald chala: a:ya:.

Шу сабабдан тез кела қолдим.

в) Баъзан нутқ моментида натижаси сақланиб турган иш-ҳаракатни англатиш учун ҳозирги тугалланган замон шакли ўрнига, ўтган тугал замон шакли қўлланилганини кўрдик:

Ek jild batari:qe namu:na a: gai.

Китобнинг бир жилди намуна сифатида келди.

г) Биз баъзи жумлаларда М.Ғолибнинг тахмин ва гумон маъносида ўтган тугал замон шаклининг қўлланилганини кузатдик:

1. Mahara:j agar daora ko gae to kya: andi:sha hai.

Маҳараж агар сафарга чиқиб кетса, нима деб ўйлайсан?

Бу хатлардаги феъл шакллари таҳлилини амалга ошириб бўлгач, қуйидаги хулосаларга келинди:

Мирзо Ғолиб Мажруҳ номига ёзган хатларида замон катего-
рияси жиҳатидан кўпроқ ҳозирги оддий ва ўтган тугал замонни
қўллаган. Кейинги ўринларда келаси замон, ҳозирги тугал замон,
тугалланмаган ўтган замон, ҳозирги замон давом феъл ва узоқ
ўтган замонлардан фойдаланганини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбек тилидаги адабиётлар:

1. О.Н.Шоматов “Жанубий Осиё тилларига кириш” (3-қисм), –Т., 2004.
2. А. Ҳожиёв. “Тилишунослик терминларининг изоҳли лугати”
Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти,
3. Тошкент – 2002.

Рус тилидаги адабиётлар:

4. З. М. Дымищ. Грамматика языка урду. – М. : “Восточная литература” РАН, 2001.
5. Г.А.Зограф. Языки Южной Азии. – М., 1990.
6. В.П.Липеровский. Глагол в языке хинди. М.,1984.

Урду тилидаги адабиётлар:

7. Abdurahmonova M. H. “G‘alib ke xutut ka lisaniyati aor uslubiyati jaiza”, “G‘alibnama”, New Delhi Ghalib Institute, Vol.24 No.2 July-2003.
8. Ghalib ke khutut. Khaliq Anjum. Ghalib Institute. – Nai Dilli, 1993.
9. K.Guru. Hindi vyaakaran. – Kaashi, 1962.
10. S.A.Chernikova. Urdu ke siighe. – Moscow: “Progress” 1969.